



Навоий вилояти деҳқонларининг муваффақиятлари кўп жihatдан Кўйи Зарафшон насос станциялари, энергетика ва алоқа бошқармаси фаолиятига боғлиқ. Чунки вилоятдаги 70 минг гектар ер насослар ёрдамида сугорилади. Масалан, бошқарма тизимдаги биргина "Касаба" насос станцияси орқали Кармана туманининг 6300 гектар экин майдонига оби-ҳавт этиштирилади. Насос станцияси сувни 80-90 метр баландликка кўтариб, 14 километр узокдаги пайкаларга чиқариб беради. СУРАТДА: насос станцияси навбатчи машинисти Хусниддин Аҳмедов. **Б.АКРАМОВ олган сурат.**



● **Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовга 28 июн куни Оксаройда Миер Араб Республикаси, Жазоир Халқ Демократик Республикаси, Фаластин ва Козогистон Республикасининг мамлакатимиздаги Фавкуллода ва мухтор элчилари этиб тайинланган** – Нодия Иброҳим Каффи, Мухаммад Беррах, Асад Муним ал-Асад ва Аскар Мирзаахметов ишонч врикларини топширди.

● **Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасида Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссия, Тошкент давлат юридик институти ҳамда UNICEF – БМТ нинг халқаро болалар жамғармаси билан ҳамкорликда «Ижтимоий ва ҳуқуқий химояга муҳтож болаларнинг ҳуқуқий ҳолати» мавзусида илмий-амалий конференция бўлиб ўтди.**

● **Ўзбекистон Бадий Академияси Тошкент Фотойида «Табият билан уйғунликда» мавзусида фотокўргазма очилди.**

● **Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасида Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари кўмитаси ташаббуси билан одил судловни амалга оширишда халқ маслаҳатчилари институти ривожлантиришга бағишланган давра сўхбати ўтказилди.**

● **Нукусда спортнинг муай-тай тури бўйича Ўзбекистон биринчилиги ўтказилди.**

● **Навоий шаҳридаги вилоят болалар шифохонасига Германиянинг «Фриденсдорф Интернейшнл» Халқаро хайрия ташкилоти раҳбари Рональд Гегенфуртнер ва профессор Мария Гиннефильд ташриф буюрди.**

● **Фарғона шаҳридаги Ёшлар маданият ва спорт марказида «Ёшлар гитх-вандликка қарши» шиори остида фестивал ташкил қилинди.**

● **Тошкентда бўлиб ўтган МДХ давлатлари ёш спорт атлетларининг 1-анжуманида барқарор авлодни тарбиялаш, ёшларни ҳар томонлама етук инсонлар этиб вояга етказишда жисмоний тарбия ва спорт билан мунтазам шуғулланишнинг муҳим аҳамияти ҳақида сўз борди.**

## Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОЙИШИ

### Ўзбекистон Республикасида ўлим жазоси бекор қилиниши муносабати билан қабул қилиниши лозим бўлган қонунлар, норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни тайёрлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 1 августда қабул қилинган "Ўзбекистон Республикасида ўлим жазосини бекор қилиш тўғрисида"ги ПФ-3641-сонли Фармони қонунлар ҳамда бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни тайёрлаш борасидаги ишларни жадаллаштириш ва уларни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасида кўриб чиқиш учун ўз вақтида топшириш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикасида ўлим жазоси бекор қилиниши муносабати билан қабул қилиниши лозим бўлган қонунлар ҳамда бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни тайёрлаш бўйича 1-иловага мувофиқ ишчи гуруҳи тузилсин.
2. Ишчи гуруҳи (Б.Мустафоев): бир ой мuddатда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 1 августдаги "Ўзбекистон Республикасида ўлим жазосини бекор қилиш тўғрисида"ги Фармони қондаларини амалга оширишни таъминлайдиган қонунлар, норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни тайёрлаш жадвалини ишлаб чиқсин ва бунда 2006 йилнинг охиригача Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасида муҳожама қилиш учун уларни босқичма-босқич тақдим этиш зарурлигини ҳисобга олсин;

ушбу бандда кўрсатилган Жадвални ишлаб чиқиш чоғида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 19 августдаги Р-2310-сонли Фармойиши билан тасдиқланган "Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 1 августдаги "Ўзбекистон Республикасида ўлим жазосини бекор қилиш тўғрисида"ги Фармони амалга ошириш мақсадида қабул қили-

ниши, ўзгартирилиши ва қўшимчалар киритилиши лозим бўлган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар рўйхати"ни асос қилиб олсин;

Ўзбекистон Республикасининг Жиноят, Жиноят-процессуал кодексларига ўлим жазосини жиноий жазолар тизимидан чиқариб ташлаш билан боғлиқ ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисидаги таклифларни тайёрлаш чоғида "умрбод қамқоз" ва "узок мuddатга озодликдан маҳрум этиш" каби янгидан жорий этиладиган жазо турлари тушунчаси, шунингдек бундай жазо турлари учун тайинланиши назарда тутилмаган жиноятлар тарихи (моддалар рўйхати) аниқ ишлаб чиқилишига алоҳида эътибор қаратсин;

мазкур Фармойишда кўрсатилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ишлаб чиқиш бўйича вазирликлар ва идораларнинг фаолияти самарали мувофиқлаштирилишини, ушбу қонун ҳужжатларининг лойиҳаларини тайёрлаш борасида ишга малакали мутахассислар, шунингдек мамлакатимиздаги тадқиқот ҳамда таълим муассасаларининг етакчи эксперт ва олимлари жалб этилишини таъминласин;

ушбу Фармойишда кўрсатилган қонунлар, норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни тайёрлаш Жадвалининг бажарилиши тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Президенти дивонига ҳар чоракда маълумот бериб борсин.

3. Мазкур Фармойишнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Президентининг хузуридаги Миллий хавфсизлик Кенгашининг Котиби М.Атаев зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти И.КАРИМОВ**

Тошкент шаҳри,  
2006 йил 29 июн

## Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармойишига ШАРХ

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 1 августда қабул қилинган "Ўзбекистон Республикасида ўлим жазосини бекор қилиш тўғрисида"ги ПФ-3641-сонли Фармони қондаларини амалга ошириш борасида мамлакат ҳуқуқати, адлия, ички ишлар вазирликлари, Олий суд, Бош прокуратура ҳамда бошқа вазирликлар ҳамда идоралар, тадқиқот ва таҳлилий муассасалар томонидан каттагина ишлар олиб борилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Жиноий жазо ва суд ҳуқуқ тизимини либераллаштириш соҳасида қонунларни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги 2005 йил 19 августдаги фармойиши билан ўлим жазоси бекор қилиниши ҳамда унинг умрбод қамқоз жазоси ёки узок мuddатга озодликдан маҳрум этиш каби жазо турига алмаштирилиши муносабати билан қабул қилиниши, ўзгартирилиши ва қўшимчалар киритилиши лозим бўлган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини маромига етказиш давомида турли касбларга, ижтимоий қатламларга мансуб минглаб одамлар шу хусусда билдирган кўпдан-кўп фикр-мулоҳазаларини, шунингдек ушбу масала бўйича жамоат бирлашмалари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари томонидан киритилган таклифларни умумлаштириш ва эътиборга олиш.

Иккинчи. Ушбу мавзуда ўтказилган семинарлар, конференциялар, давра сўхбатларининг натижалари ва тавсияларини умумлаштириш ҳамда улардан ўлим жазоси бекор қилиниши ва умрбод қамқоз жазосига ёки узок мuddатга озодликдан маҳрум этишга алмаштирилиши муносабати билан республиканинг жиноят тўғрисидаги қонунларига ўзгартириш бўйича қўшимчалар киритиш бўйича ишда фойдаланиш.

Учинчи. Чет мамлакатларнинг таникли хуқуқносилари,

эшиттириш, 270 дан кўпроқ газета ва журнал мақолалари бағишланди; 23 та илмий-амалий конференция, 148 семинар, 265 давра сўхбати ўтказилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Ўзбекистон Республикасида ўлим жазоси бекор қилиниши муносабати билан қабул қилиниши лозим бўлган қонунлар, норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни тайёрлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги шу йил 29 июнда қабул қилинган Фармойишининг асосий вазифаси ўлим жазосини жиноий жазолар тизимидан чиқариб ташлаш билан боғлиқ норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни тайёрлаш борасидаги ишларни жадаллаштиришдан, уни амалга оширишнинг яқинловчи босқичида ташкилий ишларни куचाйтиришдан иборатдир.

Бу ерда нима назарда тутилмоқда?

Биринчи. Ўлим жазоси бекор қилиниши муносабати билан тайёрланган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини маромига етказиш давомида турли касбларга, ижтимоий қатламларга мансуб минглаб одамлар шу хусусда билдирган кўпдан-кўп фикр-мулоҳазаларини, шунингдек ушбу масала бўйича жамоат бирлашмалари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари томонидан киритилган таклифларни умумлаштириш ва эътиборга олиш.

Иккинчи. Ушбу мавзуда ўтказилган семинарлар, конференциялар, давра сўхбатларининг натижалари ва тавсияларини умумлаштириш ҳамда улардан ўлим жазоси бекор қилиниши ва умрбод қамқоз жазосига ёки узок мuddатга озодликдан маҳрум этишга алмаштирилиши муносабати билан республиканинг жиноят тўғрисидаги қонунларига ўзгартириш бўйича қўшимчалар киритиш бўйича ишда фойдаланиш.

Учинчи. Чет мамлакатларнинг таникли хуқуқносилари,

## Зарбдор кунлар масъулияти

### «Эпласа фермер бўлсин...»

Ўзбекистон Республикасида ҳал қилувчи дамлар бoшланди. Айни кунда жазолиқ деҳқонлар кузда баракали хирмон яратиш мақсадида барча агротехник тадбирларни ўз вақтида ва сифатли ўтказишга ҳаракат қилишяпти.

Жорий йилда вилоят пахтакорлари 106 минг 586 гектар майдонда гўза парварири қилишмоқда. Гўзага ишлов беришда техника кучидан, жумладан, 1810 та культиватордан унумли фойдаланилмаяпти ва, шу билан бирга, экинларни озиклантириш ҳам ўз маромида кетаяпти.

– Сувдан тежаб-тергаб фойдаланиш, экинни вақтида сугориш ҳам кечиктириб бўлмайди дeлар юмшлардан, – дейди "Ислeмбeк" фермер хўжалиги раиси Амир Жайнаков. – Гўзани айни кунларда чанқатиб кўйсангиз борми, ҳосилнинг каттагина қисмини бой бeрасиз. Кўпчилик, пахта майдонларини сугораман деб кўлла-тиб кўйган, ёнқи сугориб, ўз вақтида культивация қилмаган, бeриладиган гўнгни ҳам компост қилмасдан ерга пала-партиш солган деҳқон-

## Ҳосил тақдири қўлимизда

Сув – зар, сувчи – заргар, дeган эскидан қолган гап бор. Шу боис ҳосилнинг калити сувчида, дeб қаралади. Афсуски, бунга баъзи фермерлар эътибор қилмайди...

Сариосиё – вилоятимиздаги пeшқадим туманлардан бири. Пахта, галла етиштириш шартномаларини ошириб бажаради. Шунинг билан бирга, Сўфиёв хўжалигига бориб, тажриба ўрганиб кeлди. 50 тонна гўн тўплаб, шунга 3 тонна аммофос, 1 тонна азот қўшди. Сув қуйиб, устини ёпиб, лой

сувоқ қилди. Галлага ҳам шарбат суви берди. 24 гектардаги галладан 44 центнердан ҳосил олди. 100 тонна доннинг 66 тоннасини давлатга топширди, режа ошиб кeтди. 34 тоннаси ўзимизга қолди. Ишчиларга, сувчиларга, тракторчиларга бeраямиз.

Хозир ҳамма куч пахтага ташланган. Сувни шарбат қилиб бeраямиз. Уқариқлар ораси 60-70-80 метр. Айрин фермерларнинг пайкалида уқариқлар ораси 200-250 метр. Бу пахта эзиб юборади. Сув ҳам овора. Биз гўзани асосан кeчаси сугора-

## Қарор ва ижро

Хўжалик шартномалари ҳақида сўз кетганда, "Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 3-моддасида белгиланган қуйидаги таърифни келтириш ўринли бўлади.

"Тарафлардан бири шартлашилган мuddатда тадбиркор-

## Шартнома – ҳуқуқий ҳужжат

лик фаолияти соҳасида товарларни бeриш, ишларни бажариш ёки хизматлар кўрсатиш мажбуриятини олдидан, иккинчи тараф эса товарларни, ишларни, хизматларни қабул қилиб олиш ва уларнинг ҳақини тўлаш мажбуриятини олдидан келишув хўжалик шартномаси дейилади.

Хўжалик шартномаси бўйича ҳар бир тарафининг асосий мақсади фойда олишга қаратилган бўлади. (Давоми 2-бетда)

## Таҳлил

Ўзбекистон – кенг имкониятлар мамлақати. Шу боис жаннатимонанд ўлкаимизнинг табиий бойликлари, қимматбаҳо металл рудалари билан дунё миқёсида салмоқли ўрин тутишини алоҳида таъкидлашнинг ҳолати йўқ.

Президент Ислам Каримов "Ўзбекистон XXI аср бўсағаси"

## Тупроғининг заррасида зар ётар ўлка

да: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт қарорлари асариде таъкидлаганидек, она тупроғимиз таркибида Менделеев даврий jadвалидан ўрин олган деярли барча унсурларнинг мавжудлиги ҳам мамлакатимизнинг нафақат геосийосий, балки жуғрофий имкониятлари нақадар оқсаклигидан далолат бeради. (Давоми 3-бетда)

## Ширкат ва фермер хўжаликлари, МТП, ММТП раҳбарлари диққатига!

### Замонавий, ишончли техника воситаларини хоҳлайсизми?

### Марҳамат, "Джон Дир"нинг мукамал техникалари Сизлар учун!

AGTECH Ltd (Буюк Британия) компаниясининг Ўзбекистондаги ваколатхонаси дунёнинг 160 дан ортиқ давлатларида ўз техникасининг сифати ва сервис хизмати билан машҳур бўлган "Джон Дир" фирмасининг Франция, Италия, Бразилия, Хиндистон ва Хитой мамлакатларида ишлаб чиқарилган қишлоқ хўжалиги машиналари – дон комбайнлари, сeялқалар, ем-ҳашак ўриб-йиғиш механизмлари, жумладан пресс-подборциклар, пуркагичлар ҳамда 5 дан 500 от кучига эга бўлган турли модификациядаги тракторлар ва мини-тракторларни Сизга мақбул нархларда таклиф қилади.

Манзил: Тошкент, Навоий кўчаси, 3/75. Тел/факс: 144-69-79. 917-24-31 (сўз) e-mail: allabergen.sardorov@ipcagri.com sardor.sardorov@ipcagri.com

Дон экин сеялқаси  
Дон комбайнлари  
Пуркагичлар  
Пресс-подборчик

# БУНИ ХАЁТ ДЕЙДИЛАР...

## Яхшиликнинг умри

Гулсара холанинг суяги мөҳнатда қотди. У отасидан эрта ажради. Онасига ёрдамлашиб, бошиқдаги укасига қараш унинг зиммасига тушди. Онаси ҳам эртадан кечгача далада чопиқ қилди, эркаклардек енг шимариб, куннинг тигида гўза сугорди, пахта терди.

Шу орада ёшгина Гулсаранинг буйи етиб, оғир овчилик кела бошлади. Онаси ҳеч иккиланмай, биринчи келган совчиларга розилик бериб юборди. Гулсара ҳам онасининг раёйига қарши бормади.

Кўв бўлмиш ҳеч кими йўқ Бурхон исми етим йигит тўйдан сўнг кўч-кўрони олиб, келиниқига келди. Оиланинг бор таъвиши-ни ўз зиммасига олди. Қайнонасига ўғилдек хизмат қилди. Хотинининг ёлғиз укасини ҳам ўз укасидек тарбия қилиб ўстирди.

Бир кун Гулсара укасининг мактабни аъло баҳога битирганидан сўниб, эрига уни катта ўқийда ўқитишни айтиди. Бурхон ака ҳам хотинининг бир оғиз сўзини ерда қолдирмай, қайнисини ўқига киргизиш учун елиб-югурди. Бир амалаб ўқитишди, оёғига уйли-жойли қилишди.

Хозир у врач. Обрули одам. Унинг қишлоқда катта хусусий шифохонаси бор. Гулсара хола ҳам, Бурхон ота ҳам қўша қаришди. Энди улар бир этак набиранинг босиб юрмоқчи.

Шу орада сопа сог юрган Бурхон ота ётиб қолди. Гулсара хола фарзандларига ҳам ишонмай, ўзи укасиникига югурди. Ука отани наридан бери қўрган бўлиб, қоғозга бир талай дори-дармон рўйхатини ёзди берди.

— Она, уйга боринг, келинигиз бериб юборди, — дея чиқиб кетди. Укасининг эътиборсизлигини кўнглига олмаган она қоғозни кўтариб, яна ўзи дорига чопди.

Келин қоғозда ёзилган дориларга кўз югуртирди. Ҳаммаси қиммат дори эканлиги, ҳисоблаб кўрса, анчагина пул қайини опасига "садақа" бўлишидан ичиди куйинди. Тишини-тишига куйиб, дориларни бериб юборди.

Аммо Бурхон отанинг аҳоли борган сари оғирлашаверди. Ука яна текширишга келди.

— Касалхонага ётқизиш керак, — ичиди ўйлади ука. — Унга ҳам ёнимдан пул кетади. Булардан дори-дармонга пул ололмайман. Яхшиси, туман марказий шифохонасига йўлланма берганим маъқул.

Ука шундай ҳам қилди. Аммо Гулсара хола: — Кўй ука, узоққа ётқизма. Узоққа берган пулни сенга берсам бўлмайди, — деб уни фикридан қайтарди.

Ота ўн кун ичиде соғайиб кетди. Эрининг оёққа турганидан хурсанд Гулсара хола оғилда боғлиқ бўкани фарзандларига соттириб, даволашга кетган пулни укасига олиб жўнади. Ука ҳам опаси қўлини қайтармай, бир даста пулни индамай олиб хотинига тутқазди. Қайтишга деган маънода опасига яна аллақандай дори берди.

Гулсара хола қайтаётган ўйларди. Хозир ҳамма дорилар қиммат. Укаси ҳам уларни сотиб олса, унинг устига жўжа бирдек жон...

Орзуғул РУСТАМОВА

## Манманлик заволими ё...

Қудратбек пулдор отасининг ёрдами билан пойтахтда ўқиб, ҳуқуқшунос дипломинин олган кунини дўстларини ресторанига бошлади. Вақт алламаҳал бўлганига қарамай Хоразмга - уйига қайтиш учун «От-чопарга» келганида, енгил машиналар аллақачон кетиб бўлган, фақат биттагина «Хундай» кетиш чизмигида турарди.

2 нафар йўловчи бўлса бас, ҳайдади. Қудратбекка яна биттаси қўшилган, машина йўлга отланди. У сархушлигидан орқа сунчиққа бошини қўйганича ухлаб қолди.

Қудратбек Каттакўрғонда оқватланиб бўлишгач, анча сарғак тортиди - талабаланинг 6-7 йилда бирон мартаба бўлса-ми бунда машинада юрганини эслатади. Фақат самолёт, «Мерседес», «ЖИП»... Бунинг устига диплом олиб қайтайти. Одамларнинг «ха» деганда хуррак отиши, линакча кетавериши ҳам роса жонига теги. Шофёр ёнида ўтирган кексарок қишга алмашиб ўтиришни айтганда - сўзи ерда қолди. Бироз юрилаган, Қудратбекнинг «қудратлимиги» тутди - халиги кишини 5 минг сўмга кўндрди.

У олдига ўтиб ўтираркан, пулнинг ҳар нарсасга қодирлигига яна бир бор ишонди. Қудратбек «такдир» деган нарсани ҳам борлигини хаёлига келтирмаганди. Шу пайт «Хундай» Қудратбек ўтирган томон билан олдига кетаётган машинага зарб билан урилди. Нима бўлганини зўрга англаб етган кекса киши севинишини-да, қайғуришини-да билолмай, донг котиб қолганди. Фалокат оёқ остида, деганлари шу-да! Аммо...

Холмурод ҚУРБОНОВ

## Гурра

Шоди ака билан Шербой аканинг ёшлиқдаги одати қолмаган, бири у ёки бу ишни қилса, иккинчиси ҳам албатта шунга уриниб кўради.

Бир кун тўйда ўтирган Шоди ака дастурхондан битта ёнғоқ олиб чакдию ликолча четига қўйди. Шу пайт сал кечикиброқ келган жўраси Шербой унинг ёнига келиб ўтирди. Шоди ака атайин унга кўрсатиб, ёнғоқни пешонасида «чаккан» бўлди. Буни

қўрган Шербой ака уй тўла одам олдиди: — Сен пешонагда чаккану мен чаколмайманми? — дея тошдек қаттиқ ёнғоқни пешонасига қўйиб, уни зарб билан урди.

Шербой ака барибир чакилмаган ёнғоқни отиб юбораркан, пешонасини ушлаганча тазда ташқарига чиқди. У уйга келгач, хотини ҳам билгандай: — Нима қилди, пешонангизда ёнғоқ чакдингизми? — деди ёнғоқдай гуррасига ишора қилиб.

Мамарасул БЕКИЕВ

**(Боши 1-бетда)**  
Бинобарин, адлия идоралари ходимлари қишлоқ ҳўжалиги корхоналари томонидан давлат эҳтиёжлари учун маҳсулот етказиб бериш шартномаларини туздириб жараёнда бевосита иштирок этишиб, шартномаларнинг белгиланган ҳажмларга мувофиқ ҳолда қонуний тузилишини таъминлаш чораларини кўриб келмоқда.  
2006 йилда дон маҳсулотлари, пахта, пилла хомашёси, мева, сабзавот ва пахта ёғи етказиб бериш юзасидан тузиладиган шартномалар ҳуқуқий экспертизадан ўтказилиб, вилоят адлия бошқармаларига, шунингдек, жойлардаги тайёрловчи корхоналарга етказиб берилди.  
Юқоридеги шартномаларнинг бар-

# Шартнома – ҳуқуқий ҳужжат

Масалан, Андижон вилояти адлия бошқармаси томонидан «Бўз пахта тозалаш» акциядорлик жамиятининг Бўз туманидаги «Сардорбек» фермер ҳўжалиги 2005 йилда топширилган пахта хомашёсининг 80 фоизлик қийматини тўламаётганлигини аниқлаб қиритган давво аризаси бўйича вилоят ҳўжалик судининг қарори билан фермер ҳўжалигига 1223700 сўм асосий қарз ва 592174 сўм етказилган моддий зарар суммаси ундириб берилди.  
Кашқадарё вилояти адлия бошқармаси томонидан «Нишон пахта тозалаш» ОҶЖнинг туманидаги «Ризқ» фермер ҳўжалиги 2005 йилда топширилган пахта хомашёсининг 80 фоизлик қийматини тўламаётганлигини аниқлаб қиритган давво аризаси бўйича вилоят ҳўжалик судининг қарори би-

лан фермер ҳўжалиги фойдасига 5607000 сўм ундирилди.  
Шунингдек, Жиззах вилояти адлия бошқармасининг «Дўстлик дон» акциядорлик жамияти томонидан «Усмон ота» фермер ҳўжалигига 2005 йилда етказиб берилган бошоқли дон ҳақини тўламаётганлигини аниқлаб қиритган давво аризаси суд томонидан кўриб чиқилиб, фермер ҳўжалигига 801950 сўм асосий қарз ҳамда 200000 сўм пеня ундириб берилди.  
Наманган вилояти адлия бошқармасининг «Наманганвино» ОТҶЖдан Наманган туманидаги «Ал-Фофур Имкон» фермер ҳўжалигига 2005 йилда етказиб берилган узум маҳсулоти ҳақини тўламаётганлигини аниқлаб, фер-



Қўшқўпир тумани МТП жамоасида устоз-шогирд анъанаси мавжуд. Чилангар Отаназар Жиянбоев ҳам касб сирларини устози Бахтиёр Бекметовдан ўрганган. Мана, 45 йилдириқ, Бахтиёр ака чилангарлик қилиб келяпти. У дехқонлар оғирини енгил, мушқулини осон қиладиган шогирдлар етиштираётганидан мамнун.  
СУРАТЛАРДА: 1. Режаббой Бобононов, уста чилангар Бахтиёр Бекметов. 2. Отаназар Жиянбоев. 3. Озод ЖУМАНАЗАРОВ олган суратлар.



Масалан, Андижон вилояти адлия бошқармаси томонидан «Бўз пахта тозалаш» акциядорлик жамиятининг Бўз туманидаги «Сардорбек» фермер ҳўжалиги 2005 йилда топширилган пахта хомашёсининг 80 фоизлик қийматини тўламаётганлигини аниқлаб қиритган давво аризаси бўйича вилоят ҳўжалик судининг қарори билан фермер ҳўжалигига 1223700 сўм асосий қарз ва 592174 сўм етказилган моддий зарар суммаси ундириб берилди.

# Қишга ҳозирликни ёзда кўр

Фаргона газчилари «Қишга ҳозирликни ёзда кўр» ақида-сига амал қилиб, истеъмолчиларга ёқилги етказиб бериш тизимини куз-қиш мавсумида тайёрлаш ишларини кўчайтирмоқдалар. Шу кунларда Фаргона вилоятининг шаҳар ва қишлоқларида бўлсангиз, ҳудудий газ тақсимлаш корхонасининг барча бўғинларида алоҳида жонланш давом этаётганлигини кузатасиз.  
Газ тармоқларини таъмирлаш, янги газ қувурлари қурилишини жаддалаштириш ишлари жадвал-режа асосида олиб боришда, Газчилар УЎзбекистон туманидаги Маллахон, Янгиаҳаёт, Охунбобоев туманидаги Олмазор, Езёвон туманидаги Бўткачи қишлоқларини газлаштиришни яқинлаш учун қурилиш-монтаж ишларини кўчайтирмоқдалар.  
Айни пайтда Фаргона шаҳридаги Фафур Гулом ва Йўлдош улоқчи кўчалари, Езёвон туманидаги Йўлдошобод қишлоқи, Охунбобоев туманидаги Болтақўл, Тегирмонбосчи маҳаллалари, Тошлоқ туманидаги Тақалар, Жарқишлоқ, Найман, Нурхон ва Чек кўчаларида яшовчи аҳоли хонадонларининг газ таъминотини яхшилаш чора-тадбирлари кўриляпти.

Узбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 20 апрелдаги қарори «Узкоммунизат» агентлигининг «Республика иктисодий соҳаларини 2006-2007 йиллар куз-қиш мавсумига тайёрлаш тўғрисида»ги ҳужжати ижроси юзасидан корхонамиз меҳнат жамоаси аниқ чора-тадбирлар ишлаб чиқди ҳамда газ тармоқларини, ускуна ва қурилмаларни келгуси кишининг совуқ-аёзли кунларида барқарор ишлатишга эришиш учун таъмирлаш-қурилиш кўламлигини кенгайтирмоқда, — дейди «Фаргонагаз» ҳудудий газ тақсимлаш корхона-сини директори Ш.Эминов. — Биз шу ёз кунлари жуда катта ҳажмдаги янги қурилмалар ва эски тармоқлар ҳамда газ ускуналари таъмирлашни амалга оширишимиз керак.  
Дарҳақиқат, Фаргона газчиларининг бугунги юмушлари ниҳоятда тизиз. Режага қўра, улар бу йил 53,81 километрни узунлиқдаги эски газ тармоқларини таъмирлаб, 110 километрни узунлиқдаги янги газ тармоқларини барқарор ишлатишга эришиш учун таъмирлаш-қурилиш кўламлигини кенгайтирмоқда, — дейди Ш.Эминов. — Биз шу ёзда 487 та шундай ҳолат кўриб чиқдик, қайдан норасмий фойдаланувчилар ҳамон мавжуд. Шундай тартиб-бузилишларга қарши курашишга корхона ходимлари қаттиқ киришишган. Бундан ташқари, газни тежамли

Гибҳанд моддаларнинг гайриқонуний айлинишига қарши қатор мамлакатларда, шу жумладан, юртимизда ҳам бир нечта халқаро анжуманлар ўтказилди, гибҳандликка қарши турли чора-тадбирлар белгиланди. Республика-миз божхона органлари ходимлари томонидан жорий йилнинг ўтган 5 ойи давомида 90 кг. га яқин гибҳанд воситаларнинг ноқонуний айлинишига чек қўйилди.  
Хозирда наркокурёярлар томонидан огуларни қўзланган манзилга етказиш мақсадида турли хил найранглар ўйлаб топилмоқда. Яқинда Сурхондарё вилояти божхона бошқармаси ходимлари ана шундай найранглардан бирини фотос эштиди. «Саросиё» темир йўл божхона маскани ходимлари томонидан «Қудуқли» темир йўл бекатига Тожикистон Республикасининг юртимиз ҳудуди орқали Россия Федерациясига транзит равишда ўтиш учун келиб тўхтаган юк поездининг вагонлари ҳўшёрлик билан божхона қўриғидан ўтказилди.  
Поездининг бўш платформаларидан бири ёнига келганда эса хизмат ити безовталана бошлади. Текширув натижасида бу бекорга эмаслиги маълум бўлди. Аниқланишича, платформанинг олд ва орқа рамаси тешиқ қисмларига жами 7 жуфт пайпоқларга «героин» гибҳанд моддасига ўқаш моддалар ҳуфёна равишда жойлаштирилган экан.  
Ўтказилган кейинги экспертиза натижаларига қўра, ушбу ўрамлардаги огу - вази 6,5 кг. дан орткичи ташкил этувчи «героин» гибҳанд моддаси эканлиги маълум бўлди. Хозирда ушбу ҳолат юзасидан УЎР ҶКнинг тегишли моддалари билан жиноят иши қўзғатилиб, ҳужжатлар тегишли идораларга юборилди.




Юрл ОСТОНОВ, Адлия вазирлиги шартномавий-ҳуқуқий ишларни назорат қилиш бошқармаси етакчи маслаҳатчиси.

## Заҳарли ўйинчоқлар

Айрим хоржий давлатлардаги яширин цехларда ўйинчоқ таркибин ташкил этувчи қимбўй моддаларнинг ёш организмга таъсири ўрганилмай туриб, ишлаб чиқарилиши натижасида, ушбу ўйинчоқлар билан ўйнаган болалар ўртасида турли аллергия ҳастахалар ҳам учраб турибди.  
Бундай арзон-ғаров буюмларни сотиш орқали мўмай даромад орттирувчи айрим қимсалар эса ўзлари олиб келаётган ўйинчоқларнинг зарарли хусусиятлари хусусида хатто ўйлаб ҳам қўриймапти.  
Яқинда, Андижон вилояти божхона бошқармасининг «Харакатдаги» божхона маскани ходимлари вилоят ички ишлар идоралари ходимлари билан ҳамкорликда Балиқчи тумани ҳудудида ҳаракатланаётган «Нексия» русумли автомашинани тўхтатиб, қонунчиликда белгиланган тартибда текширувдан ўтказишди.  
Текширув давомида ушбу автоуловда республикамиз фуқароси М.Адилова ўзи билан Қирғизистон Республикаси Қорасув шаҳри бозоридан сотиб олган, қиймати қарийб 1 млн. сўми ташкил этувчи 2259 дон болалар ўйинчоқларини ҳеч қандай тегишли ҳужжатларсиз Ўзбекистон Республикасига олиб кирганини аниқланди. Ушбу ўйинчоқларни давлат стандарти талабларига жавоб бериши бўйича Андижон вилояти синов ва сертификатлаштириш марказига мурожаат этилганда, ушбу маҳсулотлар меъёрий ҳужжатлар талабларига мувофиқ эмаслиги ва ўйинчоқлар билан алоқада бўладиган қишлоқда аллергия тошмалар пайдо бўлиши қайд этилган.  
Ўйинчоқларнинг айримлари полиакрилонитрил (нитрондан тайёрланганлиги), болалар резина тўлмасида эса ранг берувчи восита сифатида соғлиқ учун зарарли бўлган молибден бирикмасидан фойдаланилганлиги аниқланди.  
Хозирда ушбу ҳўқубзарликни содир этган фуқаро М. Адиловага нисбатан маъмурий иш қўзғатилиб, ҳужжатлар тегишли идораларга юборилди.



Нурбек САЛОМОВ, ДБК Матбуот хизмат ходими.



Президентимиз Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатнинг қўшма ййғилишидаги маърузасида уй-жой коммунал ҳўжалигини ислоҳ қилиш масалаларига алоҳида тўхталиб, бу тизимда хизмат кўрсатишнинг таъсирчан механизми амалда яратилмаганлигини таъкидлаганди. Бошқа коммунал тармоқлар сингари газ таъминотида ҳам исрофгарчилик ва йўқо-тишлар содир этилмоқда.

## Олмоқнинг бермоғи бор

Истеъмолчиларнинг фойдаланилган табиий газ учун ўловларини ўз вақтида ва тўлиқ миқдорда амалга оширмаётганликлари ҳам жиддий муаммо бўлиб турибди. Бу - газ таъминоти корхоналарида айланма маблағларнинг тақчиллигига сабаб бўлмоқда. Ана шу муаммолардан бири экотенсив усул, яъни хонадонларга ўрнатилган газ сарфини ҳисоблаш ускуналари-нинг ҳар ойлик кўрсаткичларини аниқлаш бўйича назоратчилар сонини қўпайтириш билан тўла ҳал этиб бўлмайди. Бизнингча, интенсив усул - маъжуд техник-назорат қурилмаларини масо-фавий бошқариладиган ҳисоблаш ускуналари билан қайта модернизация қилиш ҳамда вилоят, туман ва шаҳар миқёсида марказлашган ҳолда ягона бошқариш тизимига ўтиш асосида газ сарфини устидан қатъий назорат ўрнатиш мақсадида мувофиқдир.

Газ босимининг қиш мавсумида пасайиб кетиши истеъмолчиларнинг эътирозига сабаб бўлади. Ушбу муаммони ҳал қилиш учун юқори босимли газ қувурлари салмоғини ошириш талаб этилади. Таъкидланган тадбирларни амалга ошириш учун маблағ зарур. Бу борада газ таъминоти соҳаси корхоналари-га вақтинчалик солиқ кредитларини жорий қилиш қутилган натижани беради. Бўш маблағлар юқориде қайд қилинган муаммоларни қос-қичма-босқич ҳал этиб боришга имконият яратди.

Раҳматилла КўЧҚОРОВ, тадқиқотчи.



# Мутахассислар билимдон бўлса...

Маълумки, мамлакатимизда мустақилликдан сўнг билимнинг ҳар томонлиқ билими, баркамол ва етук мутахассис бўлиб етиштирилиши учун улкан имкониятлар эшиги очилди. Бунга, айниқса, охириги йилларда республикамизнинг вилоят марказларида олий ўқув юрталари, туман ва шаҳарларида касб-хунар коллежлари, академик лицейлари барпо этилаётганлиги, улар замонавий ўқув жихозлари билан тўлиқ таъминланганлиги асосий омил бўлиб хизмат қилмоқда.

бу борада амалий ҳаракатларга киришган. Бундан ташқари, жасдида қатор имтиёزلарни ҳам қўлга киритмоқда.

Жумладан, яқинда Япония Ҳамкорлик банкнинг Урта махсус, касб-хунар таълимини ривожлантириш UZB-R6 лойиҳаси асосида физика лабораторияси, ўсимликшунослик лабораторияси, химия лабораторияси, биология, компютер, география, чизмачилик, хорижий тиллар сингари ўн саккизта дарсхона ва амалиёт хоналарини замонавий ўқув қўлланмалар, ускуналар билан жиҳозлади.

Шунингдек, ҳозирги вақтда **Таълим**

ҳам коллежнинг моддий-техника базасини замонавий ўқув куроллари, асосб-ускуналар ҳамда компютер технологиялари билан жиҳозлаш ишлари кенг қўламада олиб борилмоқда.

Ўқув масканимиздаги 60 нафар мураббий (улар ичида 8 нафари олий тоифали, 12 нафари биринчи тоифали ҳамда 23 нафари ишлаб чиқариш таълим устозлари) талабаларимизга билим ва амалий тажриба бе-

ришда астойдил меҳнат қилиб келишмоқда. Бундан ташқари, коллежимиз ўқувчилари мунтазам равишда ўтказиладиган турли қўриқ-танловларда спорт мусобақаларида иштирок этиб



келишди ва уларда фахрли кўрсаткичларга эришишмоқда. Масалан, бу йил "Сиз қонунни биласизми?" номи остида ўтган вилоят миқёсидаги қўриқ-танловда Бахтиёр Ҳазратқуллов иккинчи ўринни эгаллади.

2003 йили Андижон вилоятида бўлиб ўтган спорт мусобақаларида Турсуной Ахтимова енгил атлетика, Бойқобил Исоқов енгил атлетика йўналишларида оқори ўринларни банд этишди. "Баркамол авлод" спорт мусобақалари саралаш



Изоҳга ҳожат йўқ.

рени алоҳида таъкидлаш жоиз. Ерқин Эрўғлиев 2003 йили Японияда бўлиб, ўз билим ва савиясини ошириб қайтди.

Ўқувчиларимиз талабаларга билим бериш билан бир қаторда, ўқув қўлланмалар яратишда ҳам жонбозлик кўрсатишмоқда. Натيجида 400 та маъруза матни, мингта таянч конспект, 50 та электрон дарслик, 10 та ўқув қўлланмалар яратилди. Узоқдан қатнаб ўқийдиган талабалар учун 100 ўринли ётоқхона, 75 ўринли ошхона, 60 ўринли киратхоналар жиҳозланди. 12 мингдан зиёд қўлбўна фондимиш маъжуд.

Юқорида юртимизда олиб борилган ишлар таълим тизимида катта ижобий ўзгаришлар келтириватганини таъкидлаш мумкин. Бунга мисол сифатида коллежимизни ҳам кўраман. Зеро, айни пайтда коллежимизда кўп йиллардан бери эришилётган натижалар шундай дейишга асос бўлади.

**Латиф МИРЗАКУЛОВ,** Касби туманидаги Денов қишлоқ ҳўжалик касб-хунар коллежи директори.

босқичида қизлар ва ўғил болалар волейбол жамоалари, оғир атлетикачи Суръат Чўлиев ҳамда енгил атлетикачи Латифат Қўлиевалар муваффақиятли қатнашиб, кейинги мусобақалар иштирокчисига айланишди.

Албатта, бундай ижобий натижаларда жамоада фаолият юритаётган мураббий ва ўқитувчиларнинг муносиб хиссалари бор. Буни эътироф этмай элчи йўқ. Жисмоний тарбия ўқитувчилари Асрор Рустамов, Комил Худойназаров, фидойи ўқитувчилар Уғлилой Полвонова, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган халқ таълими ходими Поён Эшўтқаровларнинг меҳнатла-



## Галаба муборак!

Ўзбекистон пойтахти Боку шаҳрида эркин кураш бўйича "Golden Grand Prix" соврини учун мусобақа бўлиб ўтди. Ҳар йили анъанавий ўтказиладиган мазкур турнирни мутахассислар кичик жаҳон чемпионатида тенглаштиришди.

60 та давлатдан ташриф буюрган спортчилар орасида ўзбекистонлик курашчилар ҳам бор эди. Қувонарли томони, мусобақада қатнашган тўрт спортчимиздан уч нафари совриндорлар қаторидан жой олишди. 74 килограмм вазн тоифасида гиламга чиққан Абдулла Аммаев тўртинчи натижани кўрсатди ва бронза медали билан тақдирланди. Юртимизнинг кўзга кўринган эркин курашчилари Дилшод Мансуров (55 килограмм) ва Артур Таймасов (120 килограмм) ўз вазнларининг тенгсиз спортчилари эканликлари яна бир бора исботлашди.

## Борис Беккер издоши

Уимблдон теннис турнирининг биринчи босқичида немислик Бенжамин Беккер аргентиналик Хуан Игнасио Челуни мағлубиятга учратиб, кейинги босқичга йўл олди.

Мухлислар учрашув чоғида Беккерга қара-




та "Олга, Борис!" дея ишқибозлик қилишган. Гап шундаки, Бенжамин тирикчилигида афсонага айланган Борис Беккерга фамилиядош бўлиб, баъзи бир хатти-харакатлари билан ватандошларини ўйинларини эслатиб юборди. Ҳақиқатда, мени Борис Беккерга ўхшатишга тўғри келган ҳол. Лекин у эришган галабаларга етишиш анча мураккабдир. Агарда мазкур катта мусобақанинг бош совринига эришсамгина, унинг йўлини давом эттирган бўламан.

Айни пайтда уч қарра Уимблдон ғолиби бўлган Борис Беккер юртида ўтказиладиган футбол ўйинларини кузатиш билан овера. Ҳозирча Хаттон ўз уйида дам оляпти. Унинг пром оутери Арти Пеллуло эса рақиб излаш билан овера. Пром оутер икки номзоддан бирини Хаттонга рақиб сифатида қараяпти. Булар немис-турк миллатига мансуб Октай Уркала ва дунёнинг кучли боксчиларидан бири кичик Флойд Мейвезердир. Хаттоннинг ўзи эса Октай Уркалага қарши рингга кўтарилишни хохламоқда. Чунки айнан мазкур боксчилар ўртасидаги биринчи "жанг"да ғолиб номи аниқланмай қолганди. Бокс учрашувларини трансляция қиладиган НВО канали кичик Мейвезер номзодини қўллаб-қувватламоқда. Канал шу боксчилар учрашуви орқали ўз маблағларини қўлайитиб олмақчи.

## Жонига қасд қилди

Италиянинг "Ювентус" шарафини 11 мавсум ҳимоя қилган машҳур ҳимоячи Жанлука Пессотта ўз жонига қасд қилди.



Ҳозирда "Ювентус" жамоасининг менежери вазифасида ишлаётган Пессотта офиси-

нинг иккинчи қаватидан ўзини ташлаб юборган. 15 метр баландликдан йиқилган менежер танасининг кўп қисмидан жароҳат олди. Шифокорлар «Унинг аҳоли ёмон», дея баёнот беришди. Мазкур ишни қўриб чиққан маҳаллий полициячилар Пессоттанинг яқинида Италияда содир бўлган футбол жоғаларининг судидан ҳавфсизраганлигини айтишмоқда. Лекин, айбланётганлар рўйхатида унинг номи йўқ эди.

Жанлука Пессотта Футболчилик фаолиятида бир неча марта Италия чемпиони, деган шарафли номга эга бўлган. 1996 йили эса "Ювентус" сафида Европа чемпионлар лигаси баш совринини қўлга киритган. Италия терма жамоаси билан 2000 йилда Европа вице-чемпионлигига эришган.

## Шовковский рекорд соҳиби

Жаҳон чемпионатининг 1/8 финалида ўзаро майдонга чиққан Украина ва Швейцария ўртасидаги ўйин натижасидан ҳамма хабардор, албатта. Асосий ва қўшимча вақт пайтида ҳисоб очилмади.

Уйндан сўнг ўтказилган пенальтилар сериясида украинлар 3:0 ҳисобида галаба қозониб, чорак финалга йўл олди. Футбол мутахассисларини бу ўйинда бир ҳолат ўзига жалб этди. Гап шундаки, Украина терма жамоаси посбони Александр Шовковский теппилган уч зарбанинг иккитасини (биттаси дарвозанинг тўсинага тегиб қайтди) қайтаришга муваффақ бўлди. Мундial тарихида хали ҳеч қайси дарвозабон пенальтилар сериясида ўз дарвозасини Шовковский сингари қўриқмаган эди. Энди украинлик посбон номи рекорд кайд этиш борасида жаҳон чемпионатларининг олд саҳифаларидан ўрин оладиган бўлди.

## Хаттонга рақиб бўласизми?

Профессионал бокснинг ярим ўрта вазн тоифасида рингга чиқадиган ИВА йўналиши чемпиони англиялик Рикки Хаттон 120 кун ичида ўз камарини ҳимоя қилиши керак.



Бундай талабни ИВА мутахассислари Рикки Хаттон ва унинг мураббийлари билан қўйди. Ҳозирча Хаттон ўз уйида дам оляпти. Унинг пром оутери Арти Пеллуло эса рақиб излаш билан овера. Пром оутер икки номзоддан бирини Хаттонга рақиб сифатида қараяпти. Булар немис-турк миллатига мансуб Октай Уркала ва дунёнинг кучли боксчиларидан бири кичик Флойд Мейвезердир. Хаттоннинг ўзи эса Октай Уркалага қарши рингга кўтарилишни хохламоқда. Чунки айнан мазкур боксчилар ўртасидаги биринчи "жанг"да ғолиб номи аниқланмай қолганди. Бокс учрашувларини трансляция қиладиган НВО канали кичик Мейвезер номзодини қўллаб-қувватламоқда. Канал шу боксчилар учрашуви орқали ўз маблағларини қўлайитиб олмақчи.

Ҳозирда "Ювентус" жамоасининг менежери вазифасида ишлаётган Пессотта офиси-

Суннатилла ИСЛОМОВ тайёрлади.



ният қилган қайси ёш бундай замонавий илм масканларида сабоқ олишни истамайди, дейсиз?

Шу ўринда айтиш жоизки, қишлоқ ҳўжалик касб-хунар коллежимиз ҳам ана шундай истиқлол, таълим соҳасидаги ишхотлар мевадидир. Коллежимиз дастлаб касбга йўналтирувчи билим юрти сифатида фаолият бошлаган бўлса-да, илгари фақат бир-икки мутахассислар тайёрларди, ҳолос. Кейинчалик, яъни 2002 йилда қайта реконструкция қилиниб, қишлоқ ҳўжалик касб-хунар коллежи мақо-

имконияти пайдо бўлди.

Албатта, етук мутахассис тайёрлашнинг биринчи омили билим бўлса, иккинчиси ўқув даргоҳида яратилган муҳитдир. Шу маънода, "Таълим тўғрисида"ги қонун, "Қадрлар тайёрлаш миллий дастури"нинг амалий ижроси бугунги кунда ўрта махсус, касб-хунар таълим тизимида ҳам ижобий ўзгаришларни намоян қилди. Ўқув масканлари хориқ мамлакатлари билан алоқалар ўрнатиб, ўзаро ҳамкорликни мустақкамлаб бориш имконига эга бўлди. Коллежи-



## Рассом хандаси

Ширкат ва фермер ҳўжаликлари, "Қишлоқ ҳўжаликкимё", ўсимликларни ҳимоя қилиш идоралари раҳбарлари диққатига!

Ўзбекистонда қўлланишга руҳсат этилган "ПИКС" препаратини Тошкентдаги ташкилотдан банк орқали маблағ ўтказиш йўли билан сотиб олишингиз мумкин. Тел.: 54-18-79; 54-82-50; 381-90-46.



Германиянинг BASF компанияси томонидан ишлаб чиқариладиган ПИКС® препарати ўсимлик, шу жумладан, ўзанинг ғовлаб кетмай, калта бўғин бўлиб, энг мақбул тарзда ўсишини таъминлайди.

ПИКС® нинг сувдаги аралашмасини пуркаш чеканка қилишга ҳожат қолдирмайди, кўсакнинг тезроқ пишиб етилишига шароит туғдиради, ҳосилдорликни 3-4 центнерга оширади.

Ўзбекистонда қўлланишга руҳсат этилган "ПИКС" препаратини Тошкентдаги ташкилотдан банк орқали маблағ ўтказиш йўли билан сотиб олишингиз мумкин. Тел.: 54-18-79; 54-82-50; 381-90-46.

## Қишлоқ ҳўжалик меҳнаткашлари диққатига!

### Эртапишар маккажўхори уруғи сотилади

"MOLSEM GROUP" масъулияти чекланган жамияти Тошкент шаҳридаги оемборхоналардан экиндан бўшган майдонларга қайта экиш учун эртапишар F1 Молдавия селекция гибридинининг маккажўхори уруғларини етказиб беришни таъкид этди.

Гибрида боғлиқ ҳолда пишиб етилиш даври — 75-77 кун. Гектаридан дон ҳосилдорлиги 60-90 центнер, силос масаси — 400-500 центнер, дон таркиби 10,6% оксил, 3,9% ағ ва 71,4% крахмалдан иборат.

Маккажўхори уруғлари сараланган, инкрустацияланган, ROYL FLO 42S фунгициди билан дориланган ҳамда 25 килограмм ҳажмдаги қорғоз қопларга жойланган.

Мурожаат учун маълумот: 700000, Тошкент, Пушкин кўчаси, 59-уй. Тел.: (+998 71) 137-11-67; Факс: (+998 71) 137-11-49

## ДИҚҚАТ, НАСЛДОР БУКАЛАР СОТИЛАДИ!

Тошкент вилояти Зангиота туманидаги дехқон ҳўжалигида боқилаётган Голландиянинг "қора-ола" зотиға мансуб икки ёшли икки бош буқалар сотилади. Ҳисоб-китоб нақд ёки пул ўтказиш йўли билан. Тел.: 126-12-67 (уяли); 390-77-04 (уй).

Тошкент шаҳар Мирзо Улуғбек тумани ЕХБ жамоаси юртодшларимизни ўт чиқиш ҳавфи кучаядиган ёз мавсумида ёнғин ҳавфсизлиги қондаларига изчил риоя қилишга даъват этади.

ООО "СНІМУОН САВДО" Мирзо Улуғбекского района г.Ташкента соообщает об уменьшении Уставного фонда от 24557000 сум до 13057000 сум. Претензии принимаются в течение двух месяцев со дня опубликования объявления. Тел.: 60-47-19.

## АВТОТРАНСПОРТ – КРЕДИТ ВА ЛИЗИНГГА!

Россия Федерацияси "ГАЗ" ОАЖнинг Ўзбекистондаги расмий эксклюзив дистрибьютери - AVTODOM plus

"ГАЗ" русумли 50 хилдан звед автотранспорт - 1,5-4,5 тонналик юк машиналари, 3-7 ўринлиқ, 0,8 тонна юк қўтарилган фурголар, 6-15 ўринлиқ микроавтобусларини сотилади.

Ҳақ тўлаш исталган усулда!

700015, Тошкент, Шаҳрисабз кўчаси, 16А-уй. Тел./факс: (99871) 132-12-01, 132-10-35, 132-03-62. Тезкор мулоқот линияси телефонлари: 126-25-42, 126-12-94. E-mail: info@auto.uz web-site: www.auto.uz

<b>Бош муҳаррир</b> <b>Ўткир РАҲМАТ</b>	<b>ТАХРИР ҲАЙЪАТИ:</b> Саид АҲМАД, Агитай АДИЛОВ, Ҳамид БАҲРОЕВ, Фахриддин КАЛОҲОВ, Комилжон МАМАЖОНОВ, Суннат САЙДАЛИЕВ, Ҳабиб ТЕМИРОВ, Фафур ШЕРМУҲАММАД	<b>МУАССИСЛАР:</b> Ўзбекистон Республикаси Агроеконом комплекс таркибидаги ҳамда шу тармоққа дахлдор вазирликлар ва идоралар	<b>ТЕЛЕФОНЛАР:</b> Хатлар ва жамоатчилик билан алоқалар бўлими - 136-58-83, 136-56-25, Котибият - 133-95-17, Реклама ва эълонлар - 133-44-43, 136-54-44, 133-28-04, Факс - 133-44-43, 133-40-87	<b>ВИЛОЯТ МУХБИРЛАРИ:</b> Қорақалпоғистон Республикаси - 8-361-58-512-17, 22-35-753; Андижон - 8-374-22-234-08; Бухоро - 8-365-22-644-61; Жиззах - 8-372-22-606-34; Навоий - 8-436-22-60-525; Наманган - 8-369-41-234-23; Фарғона - 8-373-61-221-97; Самарқанд - 8-366-2-33-70-57; Сурхондарё - 8-376-46-526-61; Сирдарё - 8-367-37-23-813; Тошкент - 8-371-136-56-21; Хоразм - 8-362-22-623-50; Қашқадарё - 8-375-22-517-65.	<b>Реклама ва эълонлар матни учун бюртмачи жавобгар</b> -тижорат мақола	<b>МАНЗИЛИМИЗ:</b> 700083, Тошкент, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй	<b>Навбатчи:</b> Ш.САНАЕВ <b>Саҳифаловчилар:</b> Р.ЕДГОРОВ, А.САФОНОВ <b>Бош мусахҳиш:</b> Х.ТОШҲУЖАЕВ
--	---	---	--	--	--	---	---